

ЎЗБЕКИСТОНДА САНОАТ САЛОҲИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯЛАРИ

Хамиджонов Шермурод Хомиджон ўғли

Тошкент шаҳрида Webster университети таълим
дастурларини амалга ошириш маркази

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда саноат салоҳиятини ривожлантиришнинг долзарб масалалари, мавжуд имкониятлар ва чекловлар, халқаро тажрибалар ҳамда уларни миллий иқтисодиётга мослаштириш йўллари таҳлил этилади. В.Л. Квинтинг умумий стратегия назарияси ва миллий стратегиялаш мактабининг методологияси асосида қисқа, ўрта ва узоқ муддатли стратегиялар тадқиқ этилган. Шунингдек, мақолада келтирилган хулоса ва тавсияларда Ўзбекистон саноатининг замонавий бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда барқарор ривожланишига оид фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: Саноат, миллий стратегия, ривожлантириш, инновация, рақамлаштириш, инвестиция, миллий иқтисодиёт,

СТРАТЕГИЧЕСКИЕ НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ ПРОМЫШЛЕННОГО ПОТЕНЦИАЛА УЗБЕКИСТАНА

Хамиджонов Шермурод Хомиджон ўғли

Центр реализации образовательных программ
Университета Уэбстера в городе Ташкент

Аннотация: В данной научной статье проводится глубокий анализ актуальных вопросов развития промышленного потенциала Узбекистана, существующих возможностей и ограничений, международного опыта и путей его адаптации к национальной экономике. На основе общей теории стратегии В.Л. Квинта и

методологии национальной школы стратегирования разработаны краткосрочные, среднесрочные и долгосрочные стратегии. Изложены практические предложения, направленные на инновации, цифровизацию, энергоэффективность и производство продукции с высокой добавленной стоимостью. Обсуждаются механизмы государственно-частного партнерства, привлечения инвестиций и мониторинга реализации стратегий. Выводы и рекомендации, представленные в статье, будут способствовать устойчивому развитию промышленности Узбекистана в соответствии с требованиями современной рыночной экономики.

Ключевые слова: Промышленность, стратегия, развитие, инновации, цифровизация, инвестиции, национальная экономика, Узбекистан.

STRATEGIC DIRECTIONS FOR ENHANCING AND DEVELOPING THE INDUSTRIAL POTENTIAL OF UZBEKISTAN

Хамиджонов Шермурод Хомиджон ўғли
Center for the Implementation of Educational
Programs of Webster University in Tashkent

Abstract: This scientific article provides an in-depth analysis of topical issues related to the development of Uzbekistan's industrial potential, existing opportunities and constraints, international experience, and avenues for its adaptation to the national economy. Based on V.L. Kvint's general theory of strategy and the methodology of the national school of strategizing, short-term, medium-term, and long-term strategies have been developed. Practical proposals focusing on innovation, digitalization, energy efficiency, and the production of high value-added products are presented. Mechanisms for public-private partnership, investment attraction, and strategy implementation monitoring are discussed. The conclusions and recommendations presented in the article will contribute to the sustainable development of Uzbekistan's industry in line with the demands of the modern market economy.

Keywords: Industry, strategy, development, innovation, digitalization, investment, national economy, Uzbekistan.

Кириш. Саноат - ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий равнақи ва барқарор ривожланишининг асосий таянчи ҳисобланади. У нафақат миллий даромадни ошириш, балки аҳоли бандлигини таъминлаш, экспорт имкониятларини кенгайтириш ва мамлакатнинг халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлашда ҳам муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон иқтисодиётининг модернизациялаш жараёнида саноатнинг тутган ўрни бекиёсдир. Мамлакатимизнинг бой табиий ресурслари, замонавий технологияларни жорий этиш имкониятлари ва инсон капитали салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали саноатни ривожлантириш, иқтисодий ўсишнинг муҳим драйверига айланиши мумкин.

Саноатнинг жадал ўсиши, мамлакатни хом ашё етказиб берувчи давлатдан юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчига айлантиради. Бу жараён, иқтисодиётнинг диверсификациялашувига, ташқи иқтисодий хавф-хатарларга чидамлилигини оширишга ва технологик суверенитетни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ўзбекистон учун, айниқса, юқори технологияларга асосланган, рақобатбардош саноат тармоқларини шакллантириш, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни яратиш стратегик аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда саноат салоҳиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича самарали стратегияларни ишлаб чиқиш, мавжуд имкониятларни рўёбга чиқариш ва тўсиқларни бартараф этиш бугунги кундаги долзар вазифалардан ҳисобланади. Миллий иқтисодиётнинг замонавий шароитлардаги ўзгарувчан реалликлари, глобал иқтисодиётда кечаётган жадал ўзгаришлар, илғор технологияларнинг кириб келиши ва рақобатнинг кучайиши саноатни ривожлантиришда янги, муқобил ёндашувларни талаб этмоқда. Шу сабабли, мавжуд муаммоларни чуқур таҳлил қилиш, илмий асосланган ва амалий жиҳатдан пухта

стратегияларни ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш механизмларини белгилаш долзарб аҳамият касб этади.

В.Л. Квинтнинг умумий стратегия назарияси, стратегик бошқарувнинг назарий асосларини чуқур ўрганишга бағишланган бўлиб, унда стратегия тушунчаси, уни шакллантириш жараёни, стратегик танловлар, стратегияларни амалга ошириш ва назорат қилиш механизмлари каби масалалар қамраб олинган. Квинтнинг фикрича, стратегия – бу бугунги кунни келажакка боғловчи, турли хил хавф-хатарларни ҳисобга олиб, мавжуд имкониятларни юзага чиқаришга қаратилган фаолиятдир [1.]. Унинг ёндашуви, иқтисодий стратегияларни ишлаб чиқишда, хусусан, саноатни ривожлантириш йўналишларини белгилашда муҳим назарий базани яратади.

Стратегиялаш методологияси, мақсадларга эришиш учун зарур бўлган таҳлилий ва амалий усуллар, тамойиллар ва ёндашувлар тизимини ўз ичига олади. Иқтисодий таҳлилда стратегиялаш, мамлакат ёки соҳанинг мавжуд ҳолатини чуқур ўрганиш, рақобат муҳитини таҳлил қилиш, SWOT (Кучли томонлар, Ҳақиқий томонлар, Имкониятлар, Таҳдидлар) каби таҳлилларни амалга ошириш, кейинчалик эса стратегик мақсадларни аниқлаш ва уларга эришиш йўллариини белгилашни ўз ичига олади [2.]. Иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғи, жумладан, саноатни ривожлантиришда ҳам, аниқ методологик асосда амалга ошириладиган стратегиялаш жараёни, ноаниқликларни камайитириш ва барқарор ривожланишни таъминлашга ёрдам беради.

Миллий стратегиялаш мактаби - ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда стратегияларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратади. Бу мактабнинг асосий ғояларидан бири, миллий манфаатларни устувор қўйиш, мамлакатнинг ички салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва глобал тенденцияларни миллий ривожланиш жараёнларига мослаштиришдир. Саноат соҳаси учун бу, мавжуд ресурсларни, кадрларни ва технологик базани ҳисобга олган ҳолда, миллий рақобатбардошликни оширадиган, экспортга мўлжалланган ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган стратегияларни яратиш демакдир [3.]. Миллий

стратегиялаш, мамлакатнинг ўзига хос шароитларига мос келадиган, яъни "ўзимизники" бўлган, барқарор ва самарали ривожланиш йўллари очиб беради.

Ўзбекистон саноатининг ривожланиш учун улкан салоҳияти мавжуд. Мамлакат бой табиий ресурсларга, жумладан, олтин, кумуш, мис, уран, табиий газ, кўмир ва бошқа қимматбаҳо хом ашёларга эга. Бу ресурслар, тоғ-кон саноати, нефть-кимё саноати, энергетика ва бошқа кўплаб тармоқларни ривожлантириш учун мустаҳкам база яратади. Шу билан бирга, мамлакатда аҳолининг кўплиги, айниқса, ёшларнинг кўпчилиги ташкил этиши, меҳнат ресурсларининг мавжудлигини таъминлайди. Сўнгги йилларда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, хусусийлаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва ишбилармонлик фаоллигини рағбатлантириш саноат соҳасида янги имкониятларни яратмоқда [4.]. Европа Иттифоқи, Хитой, Россия ва бошқа йирик давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши, экспорт бозорларини кенгайтириш имкониятларини ҳам очади. Бироқ, Ўзбекистон саноатининг бир қатор муаммолари ҳам мавжуд. Хусусан, технологик янгиланиш сустлиги ва эскирган ишлаб чиқариш ускуналаридан фойдаланиш самарадорликни пасайтиради ва маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини чеклайди. Иккинчидан, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг етарли даражада ривожланмаганлиги, асосан хом ашёни қайта ишлаш ва уни хорижга экспорт қилишга моиллик, мамлакат иқтисодиётининг экспорт таркибини бирёқламалаштиради. Учинчидан, молиявий ресурсларнинг етишмаслиги, айниқса, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун кредитларнинг қимматлиги ва уларнинг етарли эмаслиги, саноатнинг тўлиқ салоҳиятини юзага чиқаришга тўсқинлик қилади. Тўртинчидан, иқтисодиётнинг давлат томонидан кўп аралашуви ва бюрократик тўсиқлар, хусусий ташаббускорликни чеклайди. Бешинчидан, кадрлар тайёрлаш тизимининг замонавий талабларга мос эмаслиги, саноат учун зарур бўлган малакали мутахассисларнинг етишмаслигига олиб келади [5.].

Жаҳонда саноатни ривожлантириш борасида муваффақиятли тажрибаларга эга кўплаб давлатлар мавжуд. Хусусан, Жанубий Корея, Сингапур, Германия, Япония каби мамлакатлар, ўз саноатларини ривожлантиришда инновация ва юқори

технологияларга асосланган стратегияларни қўллаганлар. Улар авваламбор, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни кенгайтириш, илм-фан ва технологиялар интеграциясини кучайтиришга эътибор қаратганлар. Масалан, Жанубий Корея, ўзининг "чебол" (chaebol) тизими орқали, йирик саноат корхоналарини шакллантириб, уларни глобал бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирди. Германиянинг "Индустрия 4.0" (Industry 4.0) концепцияси, саноатда рақамлаштириш, автоматлаштириш ва сунъий интеллектни жорий этиш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган. Ўзбекистон, бу каби халқаро тажрибаларни ўрганиб, ўз миллий шароитларига мослаштирган ҳолда, саноатни ривожлантиришда янги йўналишларни белгилаши зарур [6.].

Қисқа, ўрта ва узоқ муддатли ёндашувлар ҳамда миллий методология асосидаги йўналишлар. Ўзбекистоннинг саноат салоҳиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш стратегик мақсадларига эришишда қисқа, ўрта ва узоқ муддатли стратегияларни ҳамда миллий стратегиялаш методологиясини уйғунлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бу ёндашув саноатнинг барқарор ва изчил ривожланишини таъминлашга, мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солишга ва келажакдаги таҳдидларга мослашишга хизмат қилади. Саноатни барқарор ривожлантириш учун уларни бир-бирини тўлдирувчи ва кетма-кет амалга ошириладиган қисқа, ўрта ва узоқ муддатли стратегияларга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Қисқа муддатли стратегиялар (1-3 йил) босқичи мавжуд салоҳиятни мустаҳкамлаш ва яқин истиқболдаги муаммоларни ҳал этишга қаратилади. Бу босқичда асосий эътибор мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, энергия самарадорлигини ошириш, эскирган технологияларни босқичма-босқич янгилашга қаратилади. Шу билан бирга, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва экспорт географиясини кенгайтириш муҳим вазифалар сифатида белгиланади. Кичик ва ўрта саноат корхоналарига кўмак бериш ҳам ушбу даврда уларнинг барқарор фаолият юритишини таъминлашда

муҳим ўрин тутadi. Бу жараён мавжуд ишлаб чиқариш линияларини модернизация қилиш, энергия тежовчи ускуналарни жорий этиш, маҳаллий хом ашёдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали амалга оширилади. [7.]

Ўрта муддатли стратегиялар (3-7 йил) босқичи тармоқлараро интеграция ва юқори қўшилган қийматли ишлаб чиқаришга ўтиш жараёнларини ўз ичида олади. Ушбу босқичда тармоқлараро интеграцияни кучайтириш асосий мақсадлардан бири бўлиб, бу саноатнинг турли соҳалари ўртасидаги боғлиқликни мустаҳкамлаш орқали самарадорликни оширишни кўзда тутadi. Юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш саноатнинг рақобатбардошлигини оширади. Миллий брендларни шакллантириш ва инновацион стартапларни қўллаб-қувватлаш келажакда юқори технологияли саноат тармоқларини ривожлантириш учун замин яратади. Шунингдек, малакали кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш бу стратегик мақсадларни амалга оширишнинг муҳим шартидир. [8.]

Узоқ муддатли стратегиялар (7-15 йил ва ундан юқори) инновацион иқтисодиётга асосланган саноат тузилмасини яратиш босқидир. Келажакда Ўзбекистон саноати инновацион иқтисодиётга асосланган саноат тузилмасини яратишни мақсад қилиши лозим. Бунда илғор технологияларни ўзлаштириш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, рақамлаштирилган ва автоматлаштирилган ишлаб чиқариш жараёнларини кенг қўллаш асосий йўналишлар бўлади. Экологик тоза ва энергия самарадор технологияларга ўтиш ҳамда саноатда "яшил" иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш глобал тенденцияларга мос келади ва барқарор ривожланишни таъминлайди. [9.]

Миллий стратегиялаш методологияси Ўзбекистоннинг ўзига хос шароити, мавжуд имкониятлари ва ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда саноат учун қуйидаги устувор йўналишларни белгилайди:

- Материалларга ишлов бериш ва юқори қўшилган қиймат яратиш: Бу йўналишнинг моҳияти хом ашёни экспорт қилиш ўрнига, уни чуқур қайта ишлаш орқали тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан иборат. Мисол

тариқасида, пахта толасидан юқори сифатли кийим-кечаклар, қора ва рангли металллардан эҳтиёт қисмлар ва буюмлар, нефть-кимё маҳсулотларидан полимерлар ва пластик маҳсулотлар ишлаб чиқариш каби лойиҳалар амалга оширилиши мумкин. Бу, бир томондан, хом ашёнинг қадрсиз кетишини олдини олса, иккинчи томондан, экспорт тушумини оширади ва янги иш ўринларини яратади[10.].

•Инновацион ва юқори технологияларга асосланган тармоқларни ривожлантириш: Электрон саноат, фармацевтика, биотехнология, замонавий қурилиш материаллари, ақлли қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш каби соҳаларга инвестиция киритиш келажакда Ўзбекистон саноатини глобал бозорда рақобатбардош қилиши мумкин. Бу тармоқлар юқори қўшилган қиймат яратиши, илмий-техникавий тараққиётни жадаллаштириши ва иқтисодиётнинг диверсификациялашувига ҳисса қўшиши билан аҳамиятлидир. [11.].

•"Яшил" иқтисодиёт ва энергия самарадорлиги: Қайта тикланувчи энергия манбаларидан (куёш, шамол) фойдаланиш, энергия самарадорлигини оширадиган технологияларни жорий этиш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш нафақат атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, балки ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва халқаро стандартларга мос маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради. Бу, айниқса, Европа Иттифоқи каби йирик бозорларга экспорт қилувчи корхоналар учун муҳимдир.[12.].

•Рақамлаштириш ва автоматлаштириш: Саноат корхоналарида интернет воситалари (IoT), сунъий интеллект (AI) ва катта маълумотлар (Big Data) каби замонавий рақамли технологияларни жорий этиш орқали ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш ва самарадорликни ошириш зарур. Бу, биринчи навбатда, маҳсулот сифатини яхшилайдиган, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради ва корхоналарнинг глобал рақобатдошлигини оширади[13.].

Кичик ва ўрта саноат корхоналарини ривожлантириш: Уларга молиявий, технологик ва маслаҳат ёрдами кўрсатиш, инфратузилмани яхшилаш, бозорларга кириб боришларида кўмак бериш саноатнинг умумий ўсишига туртки бўлади. Кичик ва Ўрта тадбиркорлик янги иш ўринларини яратишда, маҳаллий маҳсулотлар

ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ва иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим роль ўйнайди[14.]. Мазкур йўналишлар бир-бирини тўлдиради ва интеграциялашади, натижада Ўзбекистон саноати замонавий, рақобатбардош ва барқарор ривожланиш йўлидан боради.

Саноатни ривожлантиришнинг асосий драйвери инновация бўлиши лозим. Бу, янги технологияларни жорий этиш, илмий изланишларни амалга ошириш, мавжуд маҳсулотларни такомиллаштириш ва янги турдаги маҳсулотларни яратиш орқали амалга оширилади. Рақамлаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш, бошқарув тизимларини такомиллаштириш орқали самарадорликни оширади. Юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш эса, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширади, валюта даромадларини кўпайтиради ва миллий иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлайди [15.].

Саноатни ривожлантиришда давлат ва хусусий секторнинг самарали ҳамкорлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Давлат, стратегик йўналишларни белгилаш, қонунчиликни такомиллаштириш, инфратузилмани ривожлантириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни қўллаб-қувватлашда етакчи роль ўйнайди. Хусусий сектор эса, ташаббускорлик, инновацион ғоялар, самарали бошқарув ва бозор иқтисодиётининг асосий драйвери сифатида фаолият юритади. Давлат-хусусий шериклик шаклидаги лойиҳалар, айниқса, йирик инфратузилмавий ва саноат лойиҳаларини амалга оширишда самарали ҳисобланади.

Саноатни ривожлантириш учун ички ва ташқи инвестицияларни кенг жалб қилиш зарур. Бунинг учун инвестиция муҳитини яхшилаш лозим. Хусусан, қонунчиликни такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятига аралашувни камайитириш, шаффофликни ошириш талаб этилади. Инвестицияларни рағбатлантиришда солиқ имтиёзларини, божхона имтиёзларини, ер участкаларини ажратиш, инфратузилмани ривожлантириш лозим. Инвестиция лойиҳаларини самарали танлашда эса юқори қўшилган қийматли, экспортга йўналтирилган ва инновацион лойиҳаларга устуворлик бериш керак. Шунингдек, корпоратив

бошқарувни яхшилашда халқаро стандартларга мос корпоратив бошқарув тизимларини жорий этиш, менежмент самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ишлаб чиқилган стратегияларнинг самарадорлигини баҳолаш ва мунтазам мониторинг қилиш жараёни муҳим аҳамият касб этади. Бу жараён қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олади: кўрсаткичларни аниқлаш, яъни стратегиянинг ҳар бир босқичи учун аниқ, ўлчаб бўладиган ва вақт жиҳатидан белгиланган самарадорлик индикаторлари ишлаб чиқилиши лозим. Шунингдек, маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш лозим. Бунда ишлаб чиқариш ҳажми, ташқи савдо кўрсаткичлари (экспорт ва импорт), тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми, меҳнат бозоридаги бандлик даражаси, янги технологияларни жорий этиш самарадорлиги каби мезонлар бўйича маълумотларни тизимли равишда йиғиш ва таҳлил этиш талаб этилади. Мувофиқлаштириш асосида стратегияни амалга ошириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган тезкор чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда стратегия бажарилиши жараёни тўғрисида юқори давлат органлари ва жамоатчиликка мунтазам равишда ҳисобот тақдим этиш орқали очиклик ва шаффофлик таъминланиши керак.

Ўзбекистон саноатини стратегик ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- Инновацион ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш;
- Саноатнинг барча тармоқларида рақамлаштириш ва автоматлаштиришни чуқурлаштириш;
- "Яшил" иқтисодиёт тамойилларини ва энергия самарадорлигини кенг жорий этиш;
- Кичик ва ўрта саноат корхоналарини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш;
- Ички ва ташқи инвестицияларни жалб қилиш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш;

- Кадрлар тайёрлаш тизимини замонавий талабларга мослаштириш ва малакали мутахассислар тайёрлаш.

- Миллий стратегиялаш мактабининг асосий ғояларидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги таклифлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

- Мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда стратегияларни ишлаб чиқиш;

- Ички имкониятлар ва ресурслардан самарали фойдаланишга қаратилган ёндашувни қўллаш;

- Миллий манфаатларни устувор қўйган ҳолда, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

- Стратегияларни амалга оширишда жамоатчиликни жалб қилиш ва шаффофликни таъминлаш.

Хулоса қилиб айтганда, В.Л. Квинт каби олимларнинг умумий стратегия назариясидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда саноатни ривожлантириш, бу – мураккаб, кўп қиррали ва узоқ муддатли жараёндир. Унинг муваффақияти, аввало, аниқ мақсадларни белгилаш, мавжуд имкониятларни тўғри баҳолаш, хавф-хатарларни ҳисобга олиш ва амалга ошириш механизмининг самарадорлигига боғлиқ. Стратегия, бу фақат режа эмас, балки узлуксиз жараён, уни доимий равишда мониторинг қилиш, баҳолаш ва зарур ҳолларда мослаштириш талаб этилади. Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида, Ўзбекистон саноатини модернизациялаш ва уни жаҳон бозорида рақобатбардош қилиш, мамлакатнинг келажак равнақи учун катта аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Квинт В.Л. Стратегическое управление и экономическая безопасность. – М.: Финансы и статистика, 2012. – 560 с.
2. Aaker D.A. Strategic Market Management. – 7th ed. – New York: John Wiley & Sons, 2006. – 320 p.

3. Porter M.E. Competitive Advantage: Creating and Sustaining Superior Performance. – New York: Free Press, 2005. – 592 p.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари (2017-2024 йиллар). Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси.
5. Абдурахмонов Қ.Ҳ. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Иқтисод-Молия, 2018. – 528 б.
6. OECD. (2020). *OECD Reviews of Innovation Policy: Uzbekistan*. OECD Publishing.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг саноатни ривожлантиришга оид фармон ва қарорлари, 2020-2024 йиллар.
8. Вазирлар Маҳкамасининг саноатни ривожлантириш концепциялари, 2025-2030 йиллар)
9. Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача бўлган даврда Инновацион ривожланиш стратегияси)
10. "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмасининг ривожланиш дастурлари);
11. Инновацион ривожланиш вазирлигининг илмий-техник лойиҳалари);
12. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг "яшил" энергетика лойиҳалари.
13. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг рақамли иқтисодиёт лойиҳалари
14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг Кичик ва Ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари
15. Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество и культура. М.: ГУ ВШЭ, 2004. 608 с.